

**"KAFIL-SUG'URTA" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**“KAFIL-SUG'URTA” АЖ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

**2024 йил 8 январь**

**“KAFIL-SUG'URTA” АЖ**  
**бошқарув раиси**  
**Ф. Артиков**  
**” январь 2024 йил**



**“KAFIL-SUG'URTA” АЖ коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси**  
**фаолияти тўғрисидаги**  
**НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПК–5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Превентив чоралар ва комплаенс-назорат департаменти (бундан буён матнда Назорат тузилмаси деб юритилади) мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Назорат тузилмаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Жамият раҳбарининг қарорлари, буйруқлари ва кўрсатмаларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

2. Назорат тузилмаси Жамиятда коррупция ҳолатлари сабаларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

**2-боб. Жамиятларининг назорат тузилмасини ташкил этиш**

3. Назорат тузилмаси ўз фаолиятида бевосита Жамият бошқарув раисига бўйсунди.

Нazorat тузилмаси раҳбари Жамият бошқарув раиси томонидан ишга қабул қилинади.

### **3-боб. Назорат тузилмасининг асосий мақсади, вазифа ва функциялари**

4. Назорат тузилмасининг асосий мақсади Жамиятда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида (бундан буён матнда Жамият тизими деб юритилади) коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, Жамият тизими ходимларида коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, Жамият тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

5. Қуйидагилар Назорат тузилмасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

Жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

6. Назорат тузилмаси ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

**а) Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:**

Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Жамият раҳбарига киритади;

Жамиятнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Жамият томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини Жамият тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

**б) Жамиятда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:**

Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва Жамиятда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

Жамиятда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

Жамият ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

Жамият фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказилади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Жамиятда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади; ҳар чоракда ва Жамият раҳбари талабига кўра Жамиятда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида Жамият раҳбарига маълумот киритиб боради;

**в) Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:**

Жамият ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

Жамият ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

Ўқув режага мувофиқ Жамиятнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

Жамият тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

Жамиятнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

Жамият тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва Жамиятнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилади;

Жамият тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

амалга оширилган хизмат текширувлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

Жамият тизимидаги коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма(шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

Жамият фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар-ўтказилади;

**г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:**

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.

Нazorat тузилмаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

7. Назорат тузилмасига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

#### **4-боб. Назорат тузилмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

8. Назорат тузилмаси ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамият ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

Жамият тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

Жамият раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида Жамият тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш; Жамиятнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш; текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Нazorat тузилмаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Назорат тузилмаси ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

Жамият тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан Жамият раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

Нazorat тузилмаси ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Назорат тузилмаси ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки махсус семинар-тренингларда иштирок этади.

11. Назорат тузилмаси фаолиятининг натижадорлиги Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.



Назорат тузилмаси фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари Жамият раҳбари томонидан тасдиқланади.

### **5-боб. Якуний қоидалар**

12. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.